

PhD, доцент Махмуд СУЛТАНОВ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИОР СИФАТИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация. Мақолада қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларнинг институционал инвестор сифатида фаолияти тизимли равишда ўрганилган. Шунингдек, мақолада мамлакатимиз банклари томонидан эмитент ва инвестор сифатидаги инвестицион фаолияти таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: қимматли қоғозлар бозори, фонд бозори, институционал инвесторлар, тижорат банклари, акциядорлик жамияти, инвестиция фондлари, депозит (омонат), инвестиция банки, котировка, капитализация.

ACTIVITY OF COMMERCIAL BANKS AS INVESTMENTAL INVESTORS

Abstract. In the article the activities of banks were systematically studied as institutional investors in the securities market. In the article it was also analyzed the investment activities of banks in our country as issuers and investors.

Keywords: securities market, stock market, institutional investors, banks, investment funds, commercial bank, deposits, investment banks, quotation, capitalization.

Кириш

Республикаимиз иқтисодиётнинг техник ва технологик янгиланишини кўллаб-қувватлаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергия тежовчи технологиялар асосида янги корхоналар ташкил этиш, жаҳон бозорида талабга эга янги маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиялаштириш орқали банк тизими давлат инвестиция сиёсатини изчил амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қимматли қоғозлар бозори тижорат банкларига қўшимча капитал жалб қилиш имкониятини ҳам яратади. Улар қимматли қоғозларни эмиссиясидан устав капиталини, кредит ресурсларини шакллантириш учун эса пул маблағларини жалб қилиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари амалдаги қонунчилик[1]га кўра банк устав капитали энг кам миқдори 2023 йил 1 сентябрида юз миллиард сўмдан,

истикболда, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун 13-моддасига банк устав капитали энг кам миқдорини 2025 йилгача босқичма-босқич беш юз миллиард сўмгача ошириш юзасидан тегишли қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Шу билан бирга банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилиши, ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топиши белгилаб қўйилган. Бу шундан далолат берадики, тижорат банклари нафақат устав капиталини шакллантиришда, балки институционал инвестор сифатида қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини жадаллаштиришни ҳам тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бозор муносабатлари тараққиётининг қонуниятли ва объектив натижаси сифатида янги молия институтларининг юзага келишини таъкидлаш мумкин. Бундай молия институтлари қаторида жамғармаларини инвестицияга трансформациялашувида фаол иштирок этувчи тижорат банкларини эътироф этиш мумкин. Ҳалқаро амалиётда институционал инвесторлар фаолияти қимматли қоғозлар бозорининг ажралмас қисми сифатидаги талқини, жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга иқтисодчи олимлардан У.Шарп фикрига кўра «америка акциялари бозорида институционал инвесторларнинг аҳамияти ошаётгани муҳокама қилинаётганда, асосий эътибор пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, ҳамда банкларнинг ишончли операциялари бўлимлари томонидан амалга ошириладиган инвестицияларга қаратилади. Ушбу ташкилотларнинг умумий улуши америкалик корпорациялар томонидан муомалага чиқарилган акциядорлик капиталининг яримидан ортиқ бўлган қисмига эгалар»[3]. Ушбу таъриф иқтисодиёти тараққий этган давлатларга хос бўлиб, фаолият учун зарур бўлган муқобил манбалар молия бозори инструментлари орқали жалб этилади. Бу шундан далолат берадики, ривожланган давлатларда иқтисодиёт субъектлари учун зарур маблағлар қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари каби институционал инвесторлар фаолияти орқали жалб этилади.

Тижорат банкларининг институционал инвестор сифатида белиларига хос тадқиқотларда, олимлар ва мутахассислар фикрига кўра мукамал таъриф В.Н. Колесников томонидан тавсия этилган: У «Қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган турли молиявий институтларни (тижорат ва инвестиция банкларини, суғурта жамиятларини, пенсия жамғармаларини)»[4] тушунилишини айтиб ўтган. Айнан мазкур ёндашувга асос сифатида ушбу институтларнинг кўпчилиги турли инвесторлар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг маблағларини бирлаштириб уларни

даромад олиб келадиган қимматбаҳо қоғозларга сармоя қилиш имкониятини кидирувчи тижорат банкларини шакллантириш деган ғояси хизмат қилади.

Ўзбек иқтисодчи - олимларидан А.Т. Узоқов ҳам суғурта компанияларини инвестицион фаолиятини қуйидагича талқин қилади: «Институционал инвесторлар шундай мутахассисларки, уларга бировнинг пулини бошқарганликлари учун ҳақ тўланади. Уларни молиявий муассасалар, масалан, банклар, суғурта компаниялари, ўзаро ва пенсия фондлари, шунингдек, молиявий бўлган корпорациялар ва алоҳида ҳолатларда – хусусий (якка) шахслар ишга ёллайдилар»[5]. Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон иқтисодиётида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги институционал инвестор сифатидаги фаолиятига оид тадқиқотлар камлиги боис, молия соҳасига оид адабиётларда унинг илмий-назарий асослари деярли ўрганилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда институционал инвесторлар (эмитент) сифатида фаолият юритадиган тижорат банклари фонд бозори савдоларига акцияларнинг муомалага чиқарилув қиймати 60,3 трлн. сўм¹ бўлиб, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари (АЖ) томонидан чиқарилган умумий акцияларнинг 33,7 %, институционал институтлар таркибида эса 96,7 %га тенг. Бундай ҳолат, мамлакатимизда институционал инвестор – эмитент сифатида тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида монопол даражага етгани, ҳамда мамлакат молиявий салоҳиятининг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига таъсирининг юқорилиги билан баҳоланади. Лекин, молия сектори томонидан чиқарилган умумий акцияларнинг салмоғини республикаимиз иқтисодиёти бўғинида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари (АЖ) билан таққослаганда, ушбу улуш 35,3 %ни ташкил этади. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорига чиқарилаётган акцияларнинг аксарият қисми иқтисодиётнинг номолиявий сектори улушига тўғри келади.

Республикаимиз банк соҳасида ўтказилаётган ислохотлардан асосий мақсад аҳолининг замонавий молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш ва тижорат банкларини капитализациясини оширишга қаратилганлигидир. Бунда Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги фармони қабул қилинган 2020–2025 йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси[2] муҳим аҳамият касб этиб. Унга асосан халқаро молия институтлари кўмагида «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака»,

¹ www.deponent.uz

«Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Туронбанк»даги давлат улушлари босқичма-босқич хусусийлаштирилиши назарда тутилган. Ушбу банклардан «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Асака» банклари – капитали ва активлари миқдори, кредит ва депозит портфеллари ҳажми бўйича Ўзбекистондаги иккинчи ва учинчи рақамли банклар саналади. Шунингдек, “қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш”[1] – орқали банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларни амалга ошириш, банклар устав капитали энг кам миқдорини босқичма-босқич оширишда қўшимча акцияларни муомалага чиқариш ҳамда акциялар котировкасини таъминлаб туришда қимматли қоғозлар бозори (“Тошкент РФБ) муҳим аҳамият касб этади.

Республикада ҳам, иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар банклари каби банк капитализациясини ошириш мақсадида оддий ва имтиёзли акциялари котировка баҳосини таъминлаб туришда фонд бозори савдоларидан фойдаланилади. Шу боис, мамлакатимиз “Тошкент” РФБ савдоларида фаол иштирок этаётган акциядорлик тижорат банклари акциялари баҳосининг ўзгаришини, уларни таққослама таҳлили орқали кўриб чиқамиз.

1-жадвал

“Тошкент” РФБ савдоларида фаол иштирок этаётган акциядорлик тижорат банклари акциялари баҳосининг таққослама таҳлили²

№	Банклар номи	Акцияларнинг номинал баҳоси, сўмда		Акцияларнинг котировка баҳоси, сўмда		Акциялар баҳоси ўртасидаги фарқи, %	
		Оддий акция	Имтиёзли акция	Оддий акция	Имтиёзли акция	Оддий акция	Имтиёзли акция
1	Хамкорбанк АТБ	5,0	5,0	125,01	75,35	25 бар-р	15 бар-р
2	Микрокредитбанк АТБ	1 068,0	1 068,0	1 067,99	10 000,0	99,9	9,4 бар-р
3	Қишлоқ қурилиш банк АТБ	119,25	119,25	112,42	5 100,0	94,3	42,8 бар-р
4	Ипотекабанк АТИБ	1,0	1,0	0,91	3,49	91,0	3,5 бар-р
5	Ўзсаноатқурилишбанк АТБ	19,0	19,0	10,1	38,0	53,2	2 бар-р
6	Гарантбанк АЖ	100,0	100,0	209,9	-	2 бар-р	-
7	Алоқабанк АТ	121,0	121,0	82,0	550,0	67,8	4,5 бар-р
8	Агробанк АТБ	1 168,0	1 168,0	577,0	72 000,0	49,4	61,6 бар-р
9	Универсалбанк АТБ	5 000,0	-	13 390	-	2,7 бар-р	-
10	Туронбанк АТБ	1 700,0	1 700,0	1 329,99	2 500,0	82,4	1,5 бар-р

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, 2023 йил 22 май ҳолатига “Тошкент” РФБ савдоларида асосан 10 та банк фаол иштирок этган. Улар томонидан

² www.uzse.uz, 2023 йил 22 май ҳолатига

оддий акцияларининг минимал номинал қиймати 1,0 сўм (АТИБ “Ипотекабанк”), максимал номинал қиймати 5 000 сўм (АТБ “Универсалбанк”) ўрнатилиб муомалага чиқарилган. Ушбу эмитентлар томонидан акцияларининг “Тошкент” РФБ савдоларига эътибор қаратсак, энг юқори ўсиш АТБ “Хамкорбанк” томонидан қайд этилган. Яъни, АТБ “Хамкорбанк” томонидан 5 сўмлик номинал қийматда муомалага чиқарилган акцияларнинг “Тошкент” РФБ савдоларида котировка қилиниши орқали 125,01 сўмга етганлиги ёки капитализация қилиниши натижасида 25 баробарга ошганлигидан далолат беради. Бунга эмитент томонидан 2022 йил натижалари бўйича дивиденд миқдорининг номинал баҳосига нисбатан 30% белгилангани³ эълон қилингани ҳам ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин. Ушбу эмитентнинг имтиёзли акцияси ҳам 5 сўм номинал қийматида муомалага чиқарилган бўлса, “Тошкент” РФБ савдоларида котировка қилиниши натижасида сотиш баҳоси 75 сўм 35 тийинга етган ёки капитализацияси 15 баробаргача ўсган. Бу 2 та акция турининг биржа савдоларидаги қийматининг ошиши АТБ “Хамкорбанк” томонидан фаолияти учун муҳим бўлган қўшимча молиявий ресурсларни жалб этгани, бир томондан “Тошкент” РФБ савдоларида Республикамиз тижорат банкларининг институционал инвесторлари сифатидаги фаоллиги ошаётгани бўлса, иккинчи томондан тараққиёт стратегиясида белгилаб қўйилганидек, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, фонд бозори айланмасини ошишида иштирок этаётганидан далолат беради.

АТБ “Микрокредитбанк” акцияларининг “Тошкент” РФБ савдоларида акциялар котировкасини таҳлил қиладиган бўлсак, оддий акциялари қиймати деярли ўзгармаган (99,9%) бўлсада, унинг имтиёзли акциялари баҳоси 9,4 баробарга ошиб 10 000,0 сўмга етган. Маълумки, оддий акцияларга дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади ва унинг қайта молиялаштириш ставкаси нисбатан пастлиги ва котировка баҳосининг деярли ўзгармаётганлиги инвесторларда ушбу акцияларга нисбатан қизиқишини сусайтириши мумкин. Аксинча, имтиёзли акциялар бўлган қизиқиш, уларга дивиденд қатъий ҳамда банк омонатларидан олинadиган фоизлардан юқори белгиланиши сабаб бўлиши мумкин. Лекин, АТБ “Микрокредитбанк” сайтидаги маълумотларда, кейинги йилларда йил якуни бўйича соф фойдаси ҳисобидан оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланмаган⁴.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг фонд биржаси савдоларидаги иштирокини таҳлил қиладиган бўлсак, 119,25 сўмлик номиналга эга оддий

³ <https://hamkorbank.uz/>

⁴ <https://mkbank.uz/oz>

акцияларининг бозор баҳоси 94,3 % гача тушиб, 112, 42 сўмга камайган бўлса, имтиёзли акцияларнинг номинал баҳосига нисбатан, бозор баҳоси 42,8 баробаргача ошиб, 5 100 сўмга етган. Эмитентнинг 2022 йил ҳисоботларига кўра, оддий акция эгаларига дивиденд тўланмаган, имтиёзли акциялар бўйича эса 25,0 % дивиденд тўлаш тўғрисида маълумот келтирилган.

АТИБ “Ипотекабанк” оддий ва имтиёзли акциялари номинал қиймати 1 сўм қилиб белгиланган бўлса, биржа савдоларида унинг оддий акцияси 91 тийинга тушиб кетган бўлса, имтиёзли акцияси котировкаси деярли 3,5 баробарга ошиб, 3 сўм 47 тийингача кўтарилган. Ушбу эмитентнинг ҳам 2022 йил ҳисоботларига кўра, оддий акция эгаларига дивиденд тўланмаган, имтиёзли акциялар бўйича эса 25,0 % дивиденд тўлаш тўғрисида маълумот келтирилган.

АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» – капитали ва активлари миқдори, кредит ва депозит портфеллари ҳажми бўйича Ўзбекистондаги иккинчи акциялари банк бўлиб, унинг акциялари номинал қиймати бўйича 19,0 сўм миқдорида муомалага киритилган. Биржа савдоларида оддий акциялари котировкаси 10,1 сўм ёки 53,2 %гача тушиб кетган бўлса, аксинча имтиёзли акциялари баҳоси 2 баробарга, яъни 38 сўмгача ошган. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 2022 йил ҳисоботларида, бу банкда ҳам оддий акция эгаларига дивиденд тўланмаган, имтиёзли акциялар бўйича эса 23,0 % дивиденд тўлаш тўғрисида маълумот келтирилган.

“Гарантбанк” акциядорлик жамияти (АЖ) бошқа банклардан фарқли, фақат номинали 100 сўмлик бўлган оддий акцияларини муомалага киритган. Ушбу эмитент акциясининг бозор баҳоси ҳозирда 209 сўм ёки номиналига нисбатан 2 баробардан кўпроққа кўтарилган. Бундай дейишга сабаб, акция курси талаб ва таклиф асосида кун давомида ўзгариб (тебраниб) туриши мумкин. Яъни, тадқиқот даври-кун давомида ушбу эмитент акцияси 192-209 сўм оралиғида сотилган. “Гарантбанк” АЖ 2022 йил ҳисоботларида, оддий акция эгаларига дивиденд номиналига нисбатан 30% тўланишини ҳам инвесторлар учун манфатли қўйилма сифатида қараш мумкин.

Акциядорлик-тижорат (АТ) “Алоқабанк”нинг “Тошкент” РФБ савдоларида акциялар котировкасини таҳлил қиладиган бўлсак, номинал баҳоси 121,0 сўм бўлган акциялардан, оддий акциялари қиймати 82,0 сўм ёки 67,8% гача тушиб кетган бўлса, унинг имтиёзли акциялари баҳоси 4,5 баробарга ошиб 550,0 сўмгача ошган. АТ “Алоқабанк” сайтидаги маълумотларга кўра, кейинги 2020-2022 йилларда йил якуни бўйича соф фойдаси ҳисобидан оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланмаган. Имтиёзли акциялар банкларда асосан ходимларига ўртасида

жойлаштирилишини ҳисобга олсак, акциялар котировкасини ошиб кетиши банк стратегияси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

АТБ “Агробанк” оддий ва имтиёзли акциялари номинал қиймати 1168,0 сўм қилиб белгиланган бўлса, биржа савдоларида унинг оддий акцияси 577,0 сўм ёки 49,4 %гача тушиб кетган бўлса, имтиёзли акцияси котировкаси деярли 61,6 баробарга ошиб, 72 00 сўмга етган. Ушбу эмитентнинг ҳам 2022 йил ҳисоботларига кўра, оддий акция эгаларига дивиденд тўланмаган, имтиёзли акциялар бўйича (бир дона акцияга сўмда) 292,0 ёки имтиёзли акциялар бўйича (бир дона акциянинг номинал қийматига фоизда) 25,0 % дивиденд тўлаш тўғрисида маълумот келтирилган. 2009-2021 йиллар давомида банк имтиёзли акция эгаларига мунтазам равишда 25 % миқдорида дивиденд тўлаб келмоқда. Мумкин шу омил, имтиёзли акциялар котировкасини 61,6 баробаргача ошишига сабаб бўлиши мумкин.

АТБ “Универсалбанк” худди “Гарантбанк” АЖ каби фақат номинали 5 000 сўм бўлган оддий акцияларини муомалага киритган. Ушбу эмитент акциясининг бозор баҳоси ҳозирда 13 390 сўм ёки номиналига нисбатан 2,7 баробарга кўтарилган. АТБ “Универсалбанк” 2022 йил ҳисоботларида, оддий акция эгаларига дивиденд номиналига нисбатан 30% тўланишини ҳам инвесторлар учун манфатли қўйилма сифатида қараш мумкин. openinfo.uz/uz сайтининг муҳим фактлари тўғрисидаги банкга тегишли маълумотларида 2022 йил учун имтиёзли акциялар бўйича (бир дона акциянинг номинал қийматига фоизда) 7,8 % ёки 392.0 сўм дивиденд тўлаш тўғрисида маълумот келтирилган⁵. Ҳар бир банкнинг ўз инвестиция стратегияси бўлгани каби, АТБ “Универсалбанк” ҳам дивиденд тўлаш борасида ўз сиёсатига эга.

Тадқиқотимизнинг якунида АТБ “Туронбанк” фонд бозоридаги фаолиятини таҳлил қиламиз. Ушбу банк акцияларининг номинал баҳоси 1 700 сўмни ташкил этади. Биржа савдоларида АТБ “Туронбанк” оддий акцияси 1 329,99 сўм ёки 82,4 %гача тушиб кетган бўлса, имтиёзли акцияси котировкаси деярли 1,5 баробарга ошиб, 2 500 сўмга етган. Ушбу эмитентнинг ҳам 2009-2020 йиллардаги ҳисоботларига кўра, оддий акция эгаларига 0-30% оралиғида (баъзи йилларда умуман тўланмаган) дивиденд тўлаган бўлса, банк имтиёзли акция эгаларига мунтазам равишда 20,0 - 43,0 % миқдорида дивиденд тўлаб келмоқда. Ушбу банкнинг дивиденд сиёсати республикамиз банклари орасида ўзига хослиги билан ажралиб туради.

⁵ openinfo.uz.

Хулоса

Ўзбекистон тижорат банкларининг институционал инвестор сифатидаги фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги хулоса ва таклифлар ўринли деб ҳисоблаймиз:

1. АТБ “Хамкорбанк”нинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион фаолиятини таҳлил шуни кўрсатадики, ушбу банкнинг “Тошкент” РФБ савдоларида институционал инвесторлари сифатидаги фаоллиги ошиб, акцияларининг котировка баҳоси номинал баҳосига нисбатан 15-25 баробарга ўсган. Бундай амалиёт бошқа банкларда ҳам қўлланилса, нафақат тараққиёт стратегиясида белгилаб қўйилганидек мамлакатимиз фонд бозорини капитализацияси ошади, балки банк фаолияти учун зарур бўлган қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш имконияти яратилади.

2. Маълумки, Ўзбекистон каби иқтисодиёти ривожланаётган мамлакат банкларида аксарият ҳолларда оддий акцияга даромад тўлаш тўғрисидаги хулоса уларнинг таъсис ҳужжатларига асосан, банк капитализациясини ошириш мақсадида акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида қабул қилинади. Имтиёзли акцияларга дивиденд қатъий ҳамда банк омонатларидан олинадиган фоизлардан юқори белгиланиши аҳоли (инвестор) томонидан маблағларини инвестиция қилишга ўз таъсирини кўрсатувчи омил сифатида қараш мумкин. Тадқиқот даврида олинган маълумотлар АТБ “Микрокредитбанк” ва АТБ Алоқабанк каби банклардан ташқари барча банклар, одатий акциядорлик жамиятидан фарқли равишда, имтиёзли акциялари бўйича дивиденд 20-40 фоиз орасида тўланган. Шу сабаб уларнинг имтиёзли акциялари бозор баҳоси “Тошкент” РФБ савдоларида 2 баробардан, 61.6 баробаргача ошишига эришилган.

3. Инвесторлар узоқ муддатли мақсадларни кўзлайдилар, шу боис улар бозорнинг ўзгарувчанлиги ҳамда саросималаридан хавфсирамаслиги, фонд бозорларида фаоллик сустлашган ҳолатларда ҳам ўз пакетларини тарқатиб юбормаслиги учун маълумотлар базасига таяниши шарт. Бугунги кунда openinfo.uz. сайтининг банкларга тегишли муҳим фактлари тўғрисидаги маълумотларида, банкнинг молиявий имкониятлари тўғрисидаги маълумотлари тўлақонли тасаввур қилишга ва инвестицион қарорга келишига етарли эмас. Шу боис, инвесторларнинг фонд бозори савдоларидаги ҳолати, ҳамда унда банк акциялари савдосининг даврлар кесимидаги котировка ва уларнинг аналитик хулосасидан хабардор бўлиши мақсадида Республикамизда ҳам иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларидаги каби кунлик ахборот-таҳлил журнал (газета) ёки интернет сайтини яратиш зарур.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сон Қонуни (янги таҳрир). Тошкент ш., 2019 йил 5 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисидаги” Фармони. 2020 йил 12 май.
3. Шарп У.Ф. и др. Инвестиции: Учебник/ У.Ф. Шарп, Г.Дж. Александер, Дж.Бэйли, Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001. - XII, 1028 с.
4. Колесников В.Н., Торкановский В.С. Ценные бумаги: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003. - 447с
5. Узоқов А., Кенжаев Н. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008 йил. 22-25 бб
6. www.uzse.uz – “Тошкент” республика фонд биржаси